

Гапни буриб гапиришга рухсат бор



10:40 / 09.01.2019 3169

Гапни буриб гапириш, яъни киши оғир ҳолга тушиб қолганида сиртидан бошқа, ичидан бошқа маъно берадиган гапни айтиб, очиқ-ойдин ёлғон гапирмай қутулиб кетишига рухсат бор.

Имрон ибн Ҳусойн розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Албатта, гапни буриб гапиришда ёлғондан қочиш майдони бордир», дедилар».

Ибн Адий ва Байҳақий ривоят қилишган.

Ислом оламида Қуръони каримни махлуқ дейиш фитнаси чиққанда халифа ҳаммани бу гапни айтишга мажбур қилишга ўтган.

Навбат имом Шофеъийга келганда у киши: «Албатта, мана булар махлуқдирлар», деб тўрт бармоқларини кўрсатганлар.

Тафтишчилар ўзларича тўрт илоҳий китобни – Забур, Таврот, Инжил ва Қуръонни махлуқ деб айтди деб тушунганлар. Имом Шофеъий бўлсалар тўрт бармоқни ирода қилганлар.

Ўзининг золимлиги билан донг таратган Ҳажжож саҳобаларнинг бирларидан: «Мен ҳақимда нима дейсан?» деб сўраган. Шунда у киши: «Сен қоситсан», деган.

Араб тилида «қосит» сўзининг икки қарама-қарши маъноси бор. Бу сўз ҳам «одил», ҳам «жабр қилувчи» деган маъноларни билдиради.

Мазкур саҳобий розияллоҳу анҳу Ҳажжожга «Сен қоситсан», деганида ўша ерда турганлар унга: «Сени мадҳ этди», дейишган. Аммо Ҳажжожнинг ўзи: «Йўқ, у мени жабр қилувчи, деяпти», деган.

Ҳаётда қийин ҳолатга тушиб қолганда ёлғон га-пирмасдан, гапни буриш йўли билан вазиятдан чиқиб кетиш яхшидир.

«Ёлғон» китобидан